

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА ҚОЧОҚЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ЕВРОПА МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ РОЛИ

Есемуратов Алишер Избасарович

юримик фанлар бўйича фалсаф доктори, доцент

<https://orcid.org/0009-0007-6239-6847>

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21622656>

Аннотация: Мақолада халқаро ташкилотлар ва Европа институтлари орқали миграцияни бошқариш, қочоқлар ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари таҳлил қилинган. ИОМ ва UNHCRнинг техник ёрдам дастурлари, Европа Иттифоқи ва Кенгаши қонунчилик ва чегара хавфсизлиги механизмлари мисол қилиб келтирилган. Мақола глобал ва минтақавий ҳамкорликнинг аҳамиятини, шунингдек, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши чораларни кўрсатади.

Калит сўзлар: миграция, қочоқлар ҳуқуқлари, ИОМ, UNHCR, Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, ЕВРОСУР, Фронтекс, халқаро ҳамкорлик.

Abstract: The article analyzes migration management and the protection mechanisms of refugee and labor migrant rights through international organizations and European institutions. Technical assistance programs of IOM and UNHCR, as well as the legislation and border security mechanisms of the European Union and Council of Europe, are presented as examples. The study highlights the importance of global and regional cooperation and measures against irregular migration and human trafficking.

Keywords: migration, refugee rights, IOM, UNHCR, European Union, Council of Europe, EUROSUR, Frontex, international cooperation.

Аннотация: В статье проведен анализ управления миграцией и механизмов защиты прав беженцев и трудовых мигрантов через международные организации и европейские институты. Приведены примеры технической помощи ИОМ и UNHCR, законодательных и пограничных механизмов Европейского Союза и Совета Европы. Исследование подчеркивает важность глобального и регионального сотрудничества, а также мер против незаконной миграции и торговли людьми.

Ключевые слова: миграция, права беженцев, ИОМ, UNHCR, Европейский Союз, Совет Европы, EUROSUR, Frontex, международное сотрудничество.

Кириш

Бугунги глобаллашув шароитида миграция жараёнлари давлатлар ва жамиятлар тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатади. Меҳнат миграцияси, қочоқлар ва бошпана изловчилар масалалари нафақат ижтимоий, балки ҳуқуқий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Халқаро ташкилотлар, шу жумладан Халқаро миграция бўйича ташкилот (ИОМ) ва БМТнинг қочоқлар бўйича олий комиссари бошқармаси (UNHCR), мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, интеграция ва қайта интеграция жараёнларини мувофиқлаштиришда асосий роль ўйнайди. Европа Иттифоқи ва Европа Кенгаши эса қочоқларни қабул қилиш, ҳуқуқий ҳимоя ва чегара хавфсизлиги соҳасида умумий стандартлар ва механизмлар яратишга ҳисса қўшмоқда. Мақола доирасида халқаро ва Европа институтлари орқали миграцияни бошқариш, ноқонуний миграцияга қарши курашиш ҳамда мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари таҳлил қилинади.

Мақолада таҳлил усули, ҳужжатлар ва қонунчилик текшируви, ҳамда муқоисавий ҳуқуқий таҳлил методлари қўлланилган. Таҳлил учун асосий манбалар сифатида ИОМ, UNHCR, Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши ва Халқаро меҳнат ташкилоти ҳужжатлари, конвенциялар, резолюциялар ва техник ёрдам дастурлари олинган. Шунингдек, Европа Иттифоқи чегара назорати тизимлари (ЕВРОСУР, Фронтекс) ва минтақавий ҳамкорлик механизмлари (Берн ташаббуси, Пуебло ва Бали жараёнлари) илмий таҳлил объекти сифатида қўлланилган. Методология халқаро меъёрлар, қонунчилик ва амалий механизмларнинг ўзаро мувофиқлигини ва самарадорлигини баҳолашга қаратилган.

ИОМ давлатларга меҳнат миграциясини тартибга солиш, иш берувчи давлатдаги маданий ва тил муҳитига мослашиш, қабул қилувчи жамиятга интеграциялашиш ва ўз ватанига қайтиш бўйича лойиҳалар ва техник ёрдам дастурларини амалга оширади. Шу билан бирга, ИОМ миграция органлари билан ҳамкорликда чегара назорати, виза ва рўйхатга олиш жараёнлари, хорижий фуқароларнинг қабул қилувчи давлат ҳудудига кириши ва яшашини тартибга солиш ҳамда одам савдосига қарши курашиш масалаларида турли давлатлар билан яқин алоқада ишлайди¹.

Шу билан бирга, Европа Кенгаши томонидан тайёрланган конвенциялар ва тавсиялар Европада қочоқлар, бошпана изловчилар ва оғир аҳволда бўлган шахсларни қабул қилиш, даволаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш каби масалалар бўйича умумий Европа стандартларини шакллантиришга ҳисса қўшган. Европа Кенгаши доирасида қочоқлар ҳолатини де-факто тартибга солишга қаратилган ҳужжатларни қабул қилишга уринишлар қилинган, аммо улар аниқ натижаларга олиб келмаган.

Бундан ташқари, Европа Кенгаши инсон ҳуқуқларини муваффақиятли кодлаштириш билан машхур, бўлса-да, ҳеч қачон қочоқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ишлаб чиқмаган. Одатда Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг бошпана сўраб мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ички тартибларни бирлаштиришга қаратилган тавсияларини ишлаб чиқиш билан чекланади.

Европа Иттифоқининг қочоқларга нисбатан ҳуқуқий сиёсати биринчи марта 1997 йилда Амстердам шартномасида мустақамланган².

У қабул қилинишидан олдин давлатлар конвенция қоидаларидан четга чиқиб, қочоқ мақомини бериш масаласини мустақил равишда ҳал қилган. Бундан ташқари, Европа Иттифоқига аъзо барча мамлакатларнинг умумий сиёсати Шарқий Европа мамлакатлари билан қочоқларни қайта қабул қилиш бўйича икки томонлама шартномалар тузиш орқали қочоқлар оқимини чеклаш бўлган.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини қатъий ҳимоя қилишга асосланган Европа Кенгаши, пайдо бўлаётган салбий тенденциялардан жиддий хавотир билдираётган эди.

Маастрихт шартномасини ратификация қилгандан сўнг, Европа Иттифоқи аъзо давлатлар ўртасида қочоқларнинг янги тоифалари бўйича умумий сиёсатни ишлаб чиқишга ҳаракат қилди.

¹ Воронина Н.А. Международное право и миграционное законодательство стран СНГ (историко-правовой анализ) : монография / Институт государства и права РАН. - М. : Издательский дом ГУУ, 2015. С. 48

² Договор о Европейском союзе. Одобрен и принят в Амстердаме Европейским советом 16 - 17 июня 1997 года и подписан министрами иностранных дел из пятнадцати государств - членов Европейского союза 2 октября 1997 года.

Қочоқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, Европа Иттифоқи мамлакатларида қочоқ мақомини бериш тартибини бирлаштиришга қаратилган Амстердам шартномаси қоидаларини амалга ошириш билан намоён бўлади.

Европа ташқи чегараларини назорат қилиш тизими (The European Border Surveillance System – TESS), яъни ЕВРОСУР, хавфсизликка қаратилган механизмлардан бири бўлиб, у аъзо давлатларга чегараларни муҳофаза қилишда³ ва Ташқи чегаралар бошқарув агентлиги (Фронтекс) билан стратегик, тактик ва амалий ҳамкорлик қилиш имкониятини яратади. ЕВРОСУР тизимида миллий мувофиқлаштириш марказлари (NCCs) тармоғи асосий ўрин тутаяди, уларнинг мақсади чегара назоратини миллий миқёсида мувофиқлаштиришдан иборат. Бу марказлар чегаралар бўйича зарур маълумотларни тўплаб, вазият режасини тузаяди ҳамда ушбу маълумотларни бошқа аъзо давлатлар ва Фронтексга етказаяди⁴. Шу тариқа, Европа миқёсида ягона вазият режаси шакллантирилиб, барча ундан самарали фойдаланиши мумкин бўлади.

ЕВРОСУР, шунингдек, ноқонуний миграциянинг олдини олиш мақсадида учинчи давлатлар билан ҳамкорликни ҳам кучайтиради. 2004 йил 19 февралда Европа Иттифоқи Кенгаши иммиграция бўйича алоқа ходимлари тармоғини ташкил этиш ҳақидаги Низомни қабул қилди. Бу тармоқ учинчи давлатлар билан ўзаро ҳамкорликнинг бир шакли бўлиб, унга мувофиқ, ҳар бир аъзо давлат ўзининг иммиграция алоқаси бўйича ходимини учинчи давлатдаги консулликка тайинлайди. Ушбу ходимлар қабул қилувчи давлатнинг ҳокимият органлари билан алоқа ўрнатиш ва миграция масалаларида ахборот алмашишни таъминлайди.

Европа Иттифоқи қонунчилиги ноқонуний миграцияга қарши анъанавий хавфсизлик механизмларини яратишда муваффақиятга эришган бўлса-да, кейинги йилларда янги қийинчиликлар пайдо бўлди. Ҳар йили нафақат ноқонуний мигрантлар сони ўсмокда, балки чегара хавфсизлигига бўлган таҳдидлар доираси ҳам кенгайиб бормокда.

Европа Комиссияси ҳимояга муҳтож хорижий фуқаролар учун вақтинчалик кўчириш схемасини таклиф қилди ва бу схема муваффақиятли амалга оширилди. Кўчириш жараёни халқаро ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни учинчи давлатлардан Европа Иттифоқи мамлакатларига олиб келишни ўз ичига олади⁵.

Шунингдек, Европа Иттифоқи Кенгаши операция мандатига бир қатор ўзгартишлар киритди, жумладан қуйидаги вазифаларни қамраб олувчи чоралар жорий этилди:

1. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2014 йилдаги 2146 ва 2017 йилдаги 2362-сонли резолюцияларига мувофиқ, Ливиядан ноқонуний нефт савдосини кузатиш ва тегишли маълумотларни йиғиш;

³ Jeandesboz J. et al. Beyond the Tartar steppe: EUROSUR and the ethics of European border control practices // A threat against Europe. – 2011. – С. 111-132.

⁴ Papastavridis E. 'Fortress Europe' and Frontex: Within or Without International Law? // Nordic journal of international law. – 2010. – Т. 79. – №. 1. – С. 75-111.

⁵ Доклад о миграции в мире 2022. <https://publications.iom.int/system/files/pdf/WMR-2022-RU.pdf> (мурожаат санаси 24.06.2024).

2. Европа полиция агентликлари (Европол) билан одам савдосига оид маълумотларни алмашишни кучайтириш⁶.

Европа Комиссияси бугунги кунда Европа миграцияси бўйича кун тартибидаги ютуқларни белгилаб, келажакда амалга оширилиши керак бўлган асосий ҳаракатларни тақдим этмоқда. Шундай қилиб, таҳлиллар шундан далолат берадики, сўнгги ўн йил ичида Европа Иттифоқи ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши қонунчилик ва ташкилий механизмларни изчил ривожлантирди. Бироқ, соҳадаги барча салбий тенденциялар ҳали тўлиқ бартараф этилмаган, бу эса халқаро миқёсда ҳал этилмаган қийинчиликларни кўрсатади.

1919 йилда Версал тинчлик конгрессида ташкил этилган ва 1946 йилда БМТнинг биринчи ихтисослашган муассасасига айланган Халқаро меҳнат ташкилоти миграция соҳадаги фаолиятининг асосий йўналиши халқаро меҳнат мигрантларига муносабатнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш орқали меҳнат мигрантларини камситиш ва эксплуатациядан ҳимоя қилишга қаратилган.

Халқаро меҳнат ташкилоти доирасида миграцияга оид қабул қилинган асосий халқаро шартномаларга 1949 йилдаги 97-сонли "Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги Конвенция", 1975 йилдаги 143-сонли "Миграциядаги суиистеъмоллар ва меҳнат мигрантлари учун тенг имкониятлар тўғрисида"ги Конвенция, шунингдек, 1975 йилда қабул қилинган бошқа ХМТ конвенциялари⁷.

Ушбу шартномаларнинг мазмунига кўра:

Биринчиси, мигрантларни ишга олишда ҳар қандай дискриминацияга йўл қўймасликни назарда тутди;

Иккинчиси, меҳнат мигрантларига иш жойида тенг ҳуқуқлар билан бир қаторда, касаба уюшмаларига аъзо бўлиш, маданий ва шахсий эркинликлардан фойдаланишда ҳам бир хил имкониятларни кафолатлайди;

Учинчи шартнома эса, меҳнатнинг яширин шакллари муҳокама қилади, бу жараёнда аёллар ва ёш мигрантлар турли дискриминацияга дучор бўлиш хавфи остида. Халқаро меҳнат ташкилоти дастлаб давлатлар, иш берувчилар ва ишчилар вакилларининг ўзаро ҳамкорлигида ҳамда уларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги барча масалалар бўйича ўзаро манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида ташкил этилган.

ХМТ Халқаро меҳнат конференцияси (тўлиқ вакиллик органи), бошқарув органи (ижро этувчи орган) ва Халқаро меҳнат бюроси (котибият) каби таркибий тузилмалардан иборат⁸.

Халқаро меҳнат конференциясида трипартизм қуйидагича амалга оширилади. Штат делегацияси тўрт кишидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири овоз бериш ҳуқуқига эга. Мамлакат ичида вакиллар мустақил равишда сайланади, мустақил овоз беради, бу эса барча масалаларни ҳал қилишда муроса ва мувозанат зарурлигини таъминлайди. Бундан ташқари, ХМТнинг назорат механизмлари давлатларнинг мунтазам

⁶ EUNAVFOR MED <http://www.consilium.europa.eu/en/press/pressreleases/2017/07/25/eunavformed-sophia-mandate-extended/> (мурожаат вақти 24.09.2025).

⁷ Конвенция о злоупотреблениях в сфере миграции и равных возможностях для трудящихся-мигрантов <https://www.ilo.org/ru/media/264426/download> (мурожаат вақти 24.09.2025).

⁸ Халқаро меҳнат ташкилоти сайти // <https://www.ilo.org/>

ҳисоботларини кўриб чиқиш тартиби каби трипартизм элементларини ҳам ўз ичига олади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) иши миграцияга икки йўналишда тааллуқлидир⁹:

Биринчи йўналиш ўз мамлакатада иш билан таъминлаш заруратининг максимал даражасига асосланади ва мигрантларга нисбатан тенглик ва хайрихоҳлик ва интеграция муаммоларини (мослашиш, тили, болаларни тарбиялаш, оилаларни бирлаштириш ва бошқалар) ўз ичига олади.

Иккинчи йўналиши - низоларнинг олдини олиш, инқирозни бошқариш ва можародан кейинги ривожланиш жараёнида ЕХХТ учта мавзули йўналишда фаолият юритади:

чегара хизматлари ва уларнинг ходимларини тайёрлаш билан боғлиқ масалалар;
ахборот алмашинуви ва мувофиқлаштириш;

эркин ҳаракатланиш принципига риоя қилган ҳолда аҳолини рўйхатга олиш тизимини яратишга кўмаклашиш.

2006 йилдан буён *Глобал Миграция бўйича гуруҳ фаолият кўрсатмоқда* (Global Compact for Migration)¹⁰. Унинг таркибига жами 16 та халқаро ташкилот ва муассасалар раҳбарлари киради. Гуруҳ тадбирларни мувофиқлаштириш учун мунтазам равишда йиғилади. Гуруҳнинг ташкил этилиши турли масалаларни ҳал этишга ваколатли органлар ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Гуруҳнинг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мақсадида унга аъзо халқаро ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ўртасида учрашув ўтказилади.

Яна бир мисол, *Бали жараёни*, яъни “Одам контрабандаси, одам савдоси ва улар билан боғлиқ трансмиллий жиноятлар” номли конференция. Бали жараёни доирасида давлатлар ахборот ва разведка алмашишади, қалбаки ҳужжатларни аниқлаш, чегара назорати, визалар бериш, қонунчиликни ишлаб чиқиш ва ҳоказоларда ҳамкорлик қиладилар.

Миграция бўйича минтақавий конференция - *Пуэбло жараёни* 1996 йилда Мексикада бошланган. Биринчи йиғилишда Халқаро ташкилотлар ва айрим давлат вакиллари, шунингдек, ИОМ, БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий комиссарлиги, Аргентина, Колумбия, Эквадор, Ямайка, Перудан кузатувчилар иштирок этган¹¹.

Умумжаҳон даражада маслаҳат жараёнлари амалиёти ҳам мавжуд. Масалан, “Халқаро миграцияни ҳамкорлик орқали бошқариш” *Берн ташаббуси давлатлараро консультатив жараён бўлиб*, унинг доирасида, жумладан, Миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича халқаро дастур ишлаб чиқилган¹². 2001 йилдан 2005 йилгача Берн ташаббуси давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали миллий,

⁹ Миграция // <https://www.osce.org/ru/migration> (мурожаат санаси 26.07.2025)

¹⁰ Группа по проблемам глобальной миграции // <https://www.ohchr.org/ru/migration/global-migration-group> (мурожаат санаси 15.09.2025)

¹¹ Глущенко Г. И. Влияние международной трудовой миграции на развитие мирового и национального хозяйства // М.: Статистика России. – 2006.

¹² Алешковский И. А., Ионцев В. А. Управление международной миграцией в условиях глобализации // Век глобализации. – 2015. – №. 1. – С. 75-87.

минтақавий ва глобал миқёсда яхшироқ миграция бошқарувини ривожлантириш ва тарқатишга ҳисса қўшди. Бу давлатларга ўзаро тушуниш, йўриқномалар ва тартибга солиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар асосида миграция сиёсатини мустақил ишлаб чиқиш имконини берди.

*Миграция ва тараққиёт бўйича глобал форум*¹³ ҳам универсал даражадаги маслаҳат жараёни бўлиб, бугунги кунгача давом этмоқда¹⁴. Ушбу форумнинг йиғилишлари кетма-кет Бельгия, Филиппин, Греция¹⁵, Мексика, Швейцария, Маврикий¹⁶, Швеция ва Туркияда бўлиб ўтган¹⁷. Миграция ва Тараққиёт бўйича Глобал Форум Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида кирмаса-да, у БМТ билан бир нечта жиҳатлар орқали ҳамкорликда фаолият юритади. Бу муносабатлар БМТ Бош Ассамблеясининг 2008 йилги резолюциясида қайд этилган¹⁸.

UNHCR ва IOM каби ташкилотлар, халқаро шартномалар ва декларациялар орқали, миграция билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шунингдек, Европа Иттифоқи ва БМТнинг роллари ҳам ёритилган. Бироқ, миграция соҳасида ҳал этилмаган муаммолар ва ихтилофлар мавжуд бўлиб, улар глобал миқёсда ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни талаб қилади. Мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кўпроқ келишилган халқаро меъёрлар ва қонунчиликни ривожлантириш зарур.

Таҳлиллар кўрсатадики, халқаро ташкилотлар ва Европа институтлари миграция ва қочоқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. IOM ва UNHCR техник ёрдам ва стандартлар орқали давлатларга кўмак кўрсатади, Европа Иттифоқи ва Кенгаши эса интеграция, ҳуқуқий ҳимоя ва чегара хавфсизлиги соҳасида комплекс механизмлар яратади. Шу билан бирга, ноқонуний миграция ва одам савдосига оид барча муаммолар ҳали тўлиқ ҳал қилинмаган бўлиб, глобал миқёсда ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни талаб қилади. Бу эса келгусида мигрантлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун халқаро қонунчиликни янада ривожлантириш ва мувофиқлаштириш зарурлигини кўрсатади.

¹³ Глобальный форум по миграции и развитию // <https://www.un.org/ru/development/migration/forum.shtml> (мурожаат санаси 18.08.2025)

¹⁴ Global Perspectives on Migration and Development: GFMD Puerto Vallarta and Beyond / ed. by I. Omelaniuk. Springer, 2012. Global Migration Issues Series. Vol. 1.

¹⁵ Куклина И. Н. Международный диалог по проблемам миграции: тенденции и перспективы // Перспективы: ИМЭМО РАН, 2010. URL: <http://www.perspektivy.info/print.php?ID=51335>.

¹⁶ Клишас А. А., Киселева Е. В. Глобальный форум по миграции и развитию (Порт- Луи, Маврикий, 19—22 ноября 2012 г.) // Евразийский юридический журнал. 2013. № С. 43—46.

¹⁷ Ивахнюк И. В. Международная миграция как ресурс развития (замечания в связи с глобальной дискуссией) // Век глобализации. 2011. № 1. С. 67—79.

¹⁸ БМТ Бош Ассамблеясининг 2008 йилги резолюцияси A/RES/62/270. <https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n07/479/93/pdf/n0747993.pdf> (мурожаат вақти 17.08.2025).